

## МУЛКЧИЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ТИЗИМИДА ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҚИЛМИШЛАРНИНГ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА ЎРНИ

Керимбаев Рахат Парахатович

Нукус шаҳар ИИБ ТКХ катта тезкор вакили  
майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21622148>

**Аннотация:** Ушбу мақолада мулкчиликка қарши жиноятлар тизимида талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган қилмишларнинг ҳуқуқий тушунчаси, моҳияти ва уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси илмий ва норматив жиҳатдан таҳлил қилинган. Жиноят қонунчилигида мазкур тоифадаги жиноятларнинг тутган ўрни, уларнинг анъанавий талон-торожликдан ажратувчи мезонлари ҳамда миллий қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** мулкчилик, талон-торож билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар, мулккий зарар, мулкни нобуд қилиш, товламачилик, квалификация, жиноят-ҳуқуқий доктрина.

Бозор муносабатлари шиддат билан ривожланаётган ҳозирги даврда мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим шартларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида белгиланганидек: *“Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини турли шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан бир хилда ҳимоя қилинишини кафолатлайди”* [1].

Жиноят кодексининг Махсус қисми, иккинчи бўлими “Мулкчиликка қарши жиноятлар”га бағишланган бўлиб, унда мулкдорга моддий ва маънавий зарар етказадиган қилмишлар тизимлаштирилган. Жиноят-ҳуқуқий доктринада мулкчиликка қарши жиноятлар ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва жиноий оқибатига кўра икки йирик гуруҳга ажратилади:

1. Талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар (ўғрилик, талончилик, босқинчилик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш, фирибгарлик);
2. Талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган қилмишлар [2].

Одатда, илмий тадқиқотлар ва суд-тергов амалиётида асосий эътибор тўғридан-тўғри бойлик орттиришга қаратилган талон-торожлик жиноятларига қаратилади. Ваҳоланки, талон-торож қилиш мақсадисиз содир этиладиган, аммо мулкдорнинг ҳуқуқларини жиддий чеклайдиган ва мулкнинг бутлигига путур етказадиган жиноятларнинг ҳуқуқий табиатини аниқ белгилаш кодекс тизимидаги бўшлиқларни бартараф этишда долзарб аҳамият касб этади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган мулкчиликка қарши жиноятлар деганда — *айбдорнинг хатти-ҳаракатларида талон-торожликнинг таркибий белгилари (мулкни текинга, қасддан ўз мулкига айлантириш ёки бошқа шахс тасарруфига бериш) мавжуд бўлмаган, бироқ мулкдорга мулккий зарар*

етказиш ёки мулкдан фойдаланиш, эгалик қилиш ҳуқуқини бузиш билан тавсифланувчи қилмишлар тушунилади [3].

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида талон-торожликнинг ҳуқуқий чегаралари аниқ кўрсатилган [4]. Мазкур тушунчадан келиб чиқиб, амалдаги Жиноят кодексида талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган қуйидаги жиноят таркибларини ажратиш мумкин:

170-модда. Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулккий зарар етказиш;

171-модда. Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш;

172-модда. Мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш;

173-модда. Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш.

Профессор М.Ҳ.Рустамбаев таъкидлаганидек, ушбу тоифадаги жиноятларнинг объектив ва субъектив томонлари анъанавий талон-торожликдан тубдан фарқ қилади [5].

Биринчидан, **Субъектив мезон**: Талон-торожликда айбдор ғайриқонуний равишда бойлик орттиришни (корыстная цель) кўзлайди. Талон-торож билан боғлиқ бўлмаган қилмишларда (масалан, 173-моддада) мақсад — қасос олиш, безборилик, шахсий адоват ёки рақобатчини зарарлантириш бўлиши мумкин. Айбдор мулкни вайрон қилиш орқали ўзига ҳеч қандай иқтисодий фойда олмайди.

Иккинчидан, **Объектив мезон**: Талон-торожликда мулк бир эгадан иккинчи эгага ўтади ва айбдорнинг ноқонуний фондига қўшилади. Биз таҳлил қилаётган қилмишларда эса мулк иқтисодий қийматини йўқотади, жисмонан йўқ бўлади ёки унинг функционал вазифаси ишдан чиқади.

Ушбу жиноятлар тизимда “**мулкнинг жисмоний дахлсизлиги ва хавфсизлигини комплекс таъминлаш кафолати**” бўлиб хизмат қилади. Уларнинг тизимдаги аниқ ўрнини ва талон-торожлик билан нисбатини қуйидаги қиёсий жадвалда ифодалаш мумкин:

| Мезонлар        | Талон-торож қилиш жиноятлари (ЖК 164, 165, 166, 167, 168, 169-моддалар) | Талон-торож билан боғлиқ бўлмаган қилмишлар (ЖК 170, 171, 172, 173-моддалар) |
|-----------------|-------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------|
| Жиноий оқибат   | Мулкдор зарар кўради, айбдор ноқонуний фойда (мулк) олади.              | Мулкдор реал зарар кўради, лекин мулк айбдорнинг тасарруфига ўтмайди.        |
| Субъектив томон | Фақат тўғри қасд ва талон-торож қилиш мақсади.                          | Тўғри ёки эгри қасд, шунингдек, эҳтиётсизлик шакли (172-модда).              |

|                            |                                                                                             |                                                                                             |
|----------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>Мезонлар</b>            | <b>Талон-торож қилиш<br/>жиноятлари (ЖК 164, 165,<br/>166, 167, 168, 169-<br/>моддалар)</b> | <b>Талон-торож билан боғлиқ<br/>бўлмаган қилмишлар (ЖК<br/>170, 171, 172, 173-моддалар)</b> |
| <b>Мулкнинг<br/>ҳолати</b> | Мулк ўз қийматини сақлаган<br>ҳолда эгасини ўзгартиради.                                    | Мулк бутунлай йўқ қилинади,<br>шикастланади ёки вақтинчалик<br>эгаллик ҳуқуқи бузилади.     |

Агар жиноят қонунчилигида фақат талон-торожлик учун жавобгарлик назарда тутилганида, шахсий адоват туфайли бировнинг уйига ёки автомобилига ўт қўйган, мулкни вайрон қилган шахсларнинг қилмиши мулкчиликка қарши жиноят сифатида квалификация қилинмай қолар эди. Бу эса тизимнинг мукамаллигини ва жиний жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлайди [6].

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган қилмишлар мулк дахлсизлигини ҳимоя қилишда ўзига хос ва алмаштириб бўлмайдиган ҳуқуқий механизмдир.

Бироқ, бугунги рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари асрида мулк тушунчаси фақатгина моддий ашёлар билан чекланиб қолмаяпти. Кripto-активлар, виртуал мулклар ва рақамли маълумотлар ҳам иқтисодий қийматга эга бўлмоқда. Хорижий давлатлар тажрибасида (масалан, Германия Жиноят кодексининг 303а-моддаси — "Маълумотларни ўзгартириш ёки йўқ қилиш") рақамли мулкка зарар етказганлик учун алоҳида жавобгарлик белгиланган [7].

#### **Хулоса сифатида ушбу илимий таклифларни келтириб ўтиш ўринлидир:**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 173-моддаси (Мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш) диспозициясига нафақат моддий буюмлар, балки **"рақамли мулк, виртуал активлар ва компьютер маълумотлари тизимларига талон-торожлик мақсадсиз шикаст етказиш ёки уларни йўқ қилиш"** белгисини киритиш лозим.

Суд амалиётида мулкни эҳтиётсизлик орқасида нобуд қилиш (172-модда) билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган зарарни қоплаш чегараларини аниқ белгиловчи Олий суд Пленумининг алоҳида тушунтириши ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

#### **Adabiyotlar, References, Литературы:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2023 йил. 65-модда.
2. Жиноят ҳуқуқи. (Махсус қисм): Дарслик / Масъул муҳаррирлар: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбаев. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2021. – Б. 142-145.
3. Кабулов Р. ва бошқалар. Жиноят ҳуқуқи (Махсус қисм): Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б. 98.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги "Мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 35-сонли Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси

(lex.uz).

5. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. 2-жилд. – Тошкент: “Адолат”, 2016. – Б. 210-214.
6. Тарасова Ю.В. Преступления против собственности, не связанные с хищением: Монография. – Москва: Юрлитинформ, 2019. – С. 74.
7. Strafgesetzbuch (StGB) – Германия Жиноят кодекси // § 303a Datenveränderung (Маълумотларни ўзгартириш нормаси расмий матни).